




New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

1 (51) 2023

SCIENTIFIC-THEORETICAL MEDICINE

<i>Boboev R.A., Israilov R.I., Kosimhojiev M.I.</i> PATHOMORPHOLOGY OF FIBROUS POLYPS OF THE FEMALE URETHRA.....	2	<i>Toshmatov K.Z., Toshboev Sh.O., Ne'matova Z.M.</i> EFFICIENCY OF ECHOSONOGRAPHY IN THE DIAGNOSTICS OF LEDD'S SYNDROME IN CHILDREN.....	65
<i>Tillyashaykhov M.N., Lipartia M.G., Alimov T.R.</i> STUDY OF IMMUNOHISTOMORPHOLOGICAL MARKERS AS CRITERIA FOR DIFFERENTIAL DIAGNOSIS OF Non-HODGKIN'S LYMPHOMAS (NHL) IN PEDIATRIC ONCOLOGY PRACTICE.....	7	<i>R.A. Azizova, M.N. Agzamova, Z.N. Sherova</i> SIDE EFFECTS OF DRUGS - THE PATH TO IATROGENY....	74
<i>Mirakhmedova Kh. T., Dadabaeva N.A., Xaytimbetov J. Sh., Mukhsimova N.R.</i> FEATURES OF THE CLINICAL COURSE OF NON-ALCOHOLIC FATTY LIVER DISEASE IN PATIENTS WITH PSORIATIC ARTHRITIS.....	12	<i>Mirzaeva M.A., Atakhodjaeva D.R.</i> ETIOLOGICAL FACTORS OF ACUTE DIARRHEA IN CHILDREN.....	81
<i>Kazakova N.N., Alavdinov S.Z.</i> ETIOPATHOGENETIC ASPECTS OF DENTAL DISEASES IN PATIENTS WITH BRONCHIAL ASTHMA.....	16	<i>Kakharov I.I.</i> FEATURES OF LESIONS OF THE LEFT CORONARY ARTERY IN PATIENTS WITH CORONARY HEART DISEASE.....	86
<i>Xamraev O.A., Israilov R.I., Kosimhojiev M.I.</i> MECHANISM OF SCLEROSIS AND PATHOMORPHOLOGY OF THE STROMA OF THE MIDDLE LOBES OF THE PROSTATE GLAND.....	20	<i>Tohirova N.S., Ganieva Sh.Sh.</i> IMMUNO-PATHOGENETIC MECHANISMS OF OSTEOARTHRITIS DEVELOPMENT IN WOMEN.....	90
<i>Khalmetova F.I., Axmedov Kh.S., Buranova S.N., Botirbekov A.N.</i> CLINICAL COURSE OF SPONDYLITIS DEPENDING ON TRIGGER FACTORS IN REACTIVE ARTHRITIS.....	25	<i>Radjabov Nurbek Gafurovich, Teshayev Shukhrat Zhumaevich</i> MORPHOLOGICAL CHANGES OF THE HEART IN EXPERIMENTAL PNEUMOSCLEROSIS.....	95
<i>Khasanova G.S. Rakhmonova G.Sh., Abdiev I.A. Khalilova A.Sh., Aikhodzhaeva M.A., Maksutova N.N., Shamansurova Z.M.</i> EVALUATION OF CLINICAL COMPLAINTS IN PEOPLE WITH VARIOUS MANIFESTATIONS OF THE METABOLIC SYNDROME.....	29	<i>Ganieva Sh.Sh., Navruzova Sh.I.</i> IMMUNOLOGICAL ASSESSMENT OF ENDOTHELIAL DAMAGE IN CARDIOVASCULAR SYNTROPY.....	101
<i>Temirov O.O., Teshayev Sh.J., Khakimov Ya.Sh.</i> STUDY OF MORPHOLOGICAL AND MORPHOMETRIC PARAMETERS OF THE ESOPHAGE OF WHITE RATS AGED FROM 3 TO 6 MONTHS UNDER THE INFLUENCE OF 3 DIFFERENT ANTI-INFLAMMATORY DRUGS UNDER THE CONDITIONS OF POLYPROGEMASIA.....	36	<i>Egamberdieva D.A., Karimdjanova G.A.</i> FEATURES OF THE COURSE OF CHRONIC KIDNEY DISEASE IN PATIENTS WITH ATRIAL FIBRILLATION.....	104
<i>R.Sh. Rajabova, N.M. Nurillaeva</i> HYPODYNAMIA - AS A RISK FACTOR FOR CORONARY HEART DISEASE AND WAYS OF ITS MANAGEMENT.....	42	<i>Khaydarova S.A., Navruzova Sh.I.</i> GENDER ASPECTS OF THE CLINICAL COURSE OF ATYPICAL ANGINA.....	112
<i>Khozhanazarova S.Zh., Gulmanov I.D., Yusupova M.A., Ziyoeva G.P., Razhabov B.M., Egamberdieva L.Y.</i> MORPHOLOGICAL STATE OF THE MICROCIRCULATION BED AND TISSUE STRUCTURES OF THE UTERINE AND OVARIAN IN CHRONIC INTOXICATION WITH PESTICIDE.....	49	<i>Inoyatova N. R., Sabirov U.Yu.</i> THE ROLE OF IMMUNE RESPONSE MEDIATORS IN PATIENTS WITH ACNE DISEASE.....	118
<i>Ergashev B.B., Ajimatov Kh.T., Toshboev Sh.O.</i> OVERLAYING OF ESOPHAGOANASTOMOSIS IN ATRESIA OF THE ESOPHAGUS IN NEWBORN.....	56	<i>Ganieva Sh.Sh.</i> HEMODYNAMIC PARAMETERS OF PATIENTS WITH CARDIOVASCULAR SYNTROPIA.....	125
		<i>Ozodov J.H.</i> DISTRIBUTION OF PATIENTS WITH LEISHMANIASIS BY GENDER AND AGE IN THE BUKHARA REGION.....	129
		<i>Musaeva D.M.</i> FEATURES OF ACID-DEPENDENT DISEASES DEPENDING ON H. PYLORI GENOTYPE.....	136
		<i>Isamitdinova N.Sh.</i> PRINCIPLES OF EARLY DETECTION OF THYROID PATHOLOGY IN PATIENTS WITH RHEUMATOID ARTHRITIS AND AUTOIMMUNE THYROIDITIS.....	143

Мақолалардаги маълумотлар учун муаллиф ва бош муҳаррир масъул.

Тахририят фикри муаллифлар фикри билан муносиб бўлмаслиги мумкин.

Барча муаллифлик ҳуқуқлари ҳимояланган.

Барча маълумотлар тахририят ёзма рухсатисиз чоп этилмайди.

Масъул муҳаррир: Сафоев Б.Б.
Бадий муҳаррир: Пулатов С.М.
Таржимон: Файбуллаев С.С.

Теришга берилди 29.12.2022 й.
Босишга рухсат этилди 20.01.2023 й.
Бичими 60×84 1/8.
Шартли босма табоғи 47,0.
Оффсет қоғозида чоп этилди.
Адади 100 нусха.
45-буйуртма.
«HUMOYUNBEK-ISTIQLOL MO'JIZASI»
босмаҳонасида чоп этилди. 100000.
Тошкент, А.Темур кўчаси, 60 А.

«Тиббиётда янги кун» тиббиёт
журнали тахририяти,
Тошкент ш., 100011,
Навий кўчаси, 30-уй,
тел.: +99890 8061882,
e-mail: ndmuz@mail.ru

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот
бошқармасида 2012 йил 16 февралда
рўйхатга олинган (03-084-сонли гу-
воҳнома).
Баҳоси келишилган нарҳда.
Нашр кўрсаткичи 7048.

Received: 20.12.2022
Accepted: 29.12.2022
Published: 20.01.2023

УДК 616.091.8: 616.441-006.6-037-007

АЁЛЛАР УРЕТРАСИ ФИБРОЗЛИ ПОЛИПИНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ

¹Бобоев Р.А., ²Исраилов Р.И., ¹Қосимхожиев М.И.

¹Андижон давлат тиббиёт институти Ўзбекистон.

²Республика патологиканатомия маркази. Тошкент. Ўзбекистон.

✓ Резюме

Ушбу мақолада аёллар уретраси фиброзли полипи гистотопографияси ва ўзига хом морфологик ўзгаришлари ўрганилди. Материал сифатида Андижон давлат тиббиёт институти клиникасининг урология бўлимида 2018-2021 йилларда даволанишдан ўтган касаллардан олинган 32 та биопсия материали гистологик жиҳатдан ўрганилди. Натижалар кўрсатишича, уретранинг фиброзли полипи гистологик жиҳатдан ўрганилганда тузилиши ва таркиби жиҳатдан бир-бирига ўхшасада, фиброз тўқиманинг таркиби, ундаги ҳужайра ва толали тузилмаларнинг кўп-камлиги ва жойланиши бўйича бир-биридан фарқ қилиши аниқланди. Фиброзли полипда қопловчи эпителийнинг бевосита ости майдонида бириктирувчи тўқима таркибида толали тузилмалар кўплиги, қон томирларнинг камлиги билан ажралиб туриши, стромасининг чуқур соҳаларида бириктирувчи тўқима ҳужайра ва толали тузилмалар оралиқ моддасида ший мавжудлигидан сийрак жойлашганлиги ва уларнинг таркибида қон томирлар жойлашганлиги аниқланади. Уретра полипининг этиологиясини инобатга олиб таҳлил қилиш шунни кўрсатдики, полип пайдо бўлиши сабаблари ва патогенезини эътиборга олинса, полип тўқимасининг ривожланиши яллигланиш, дистрофик ва дисрегенератив жараёнлар билан бирга ривожланиши оқибатида полипнинг асоси бўлган стромасида ушбу жараёнларга хос ўзгаришлар сақланиб қолиши аниқланади.

Калит сўзлар: уретра, полип, фиброзли, морфология, гистотопография, яллигланиш, дистрофия, деструкция.

ПАТОМОРФОЛОГИЯ ФИБРОЗНЫХ ПОЛИПОВ ЖЕНСКОЙ УРЕТРЫ

¹Бобоев Р.А., ²Исраилов Р.И., ¹Қосимхожиев М.И.

¹Андижанский государственный медицинский институт, Узбекистан.

²Республиканский центр патологической анатомии. Ташкент. Узбекистан.

✓ Резюме

В данной статье изучены гистотопография и специфические морфологические изменения фиброзных полипов уретры у женщин. В качестве материала гистологически исследованы 32 биопсийных материала, полученных от пациентов, проходивших лечение в 2018-2021 гг. в отделении урологии клиники Андижанского государственного медицинского института. По результатам фиброзный полип уретры сходен по строению и составу при гистологическом исследовании, однако установлено, что состав фиброзной ткани, обилие и расположение в ней клеточных и фиброзных структур отличаются друг от друга. При фиброзном полипе определяют наличие множества фиброзных структур в соединительной ткани в области непосредственно под покровным эпителием, для них характерно малое количество кровеносных сосудов. В глубоких участках стромы соединительнотканые клетки и фиброзные структуры располагаются редко из-за наличия вздутия в интерстиции, в них располагаются кровеносные сосуды. Анализ

этиологии полипа уретры показал, что если принять во внимание причины и патогенез полипа, то развитие ткани полипа сопровождается воспалительными, дистрофическими и дисрегенеративными процессами, и установлено, что характерные для этих процессов изменения сохраняется в строме, которая является основой полипа.

Ключевые слова: уретра, полип, фиброз, морфология, гистотопография, воспаление, дистрофия, деструкция.

PATHOMORPHOLOGY OF FIBROUS POLYPS OF THE FEMALE URETHRA

¹Boboev R.A., ²Israilov R.I., ¹Kosimhojiev M.I.

¹Andijan State Medical Institute, Uzbekistan.

²Republican Center of Pathological Anatomy. Tashkent. Uzbekistan.

✓ *Resume*

This article studied histotopography and specific morphological changes in fibrous urethral polyps in women. As a material, 32 biopsy materials obtained from patients treated in 2018-2021 were histologically examined. in the department of urology of the clinic of Andijan State Medical Institute. With a fibrous polyp, the presence of many fibrous structures in the connective tissue in the area directly under the integumentary epithelium is determined, they are characterized by a small number of blood vessels. In the deep parts of the stroma, connective tissue cells and fibrous structures are rarely located due to the presence of swelling in the interstitium, they contain blood vessels. An analysis of the etiology of the urethral polyp showed that if we take into account the causes and pathogenesis of the polyp, then the development of the polyp tissue is accompanied by inflammatory, degenerative and dysregenerative processes, and it was found that the changes characteristic of these processes persist in the stroma, which is the basis of the polyp.

Key words: urethra, polyp, fibrosis, morphology, histotopography, inflammation, dystrophy, destruction.

Долзарблиги

Аёллар уретраси полипи аксарият ҳолларда унинг ташки чиқарув тешиги соҳасида жойлашади, клиник жиҳатдан пешоб келганда ачишиш, санчиқ беради, поллакурия, странгурия, уретроррагия ва сийдикнинг димланишига олиб келади [1,2,3]. Уретра полипларининг сабаблари кам ўрганилган ва ноаниқлигича қолмоқди. Аксарият илмий тадқиқотларда кўрсатилишича, уретранинг полиплари аксарият ҳолларда хавфсиз ўсма ҳисобланмасдан, уретра девори таркибидаги мезенхимал тўқималар ва эпителийнинг номалум сабабларга кўра ўзаро муносабати бузилишидан, эпителийнинг ўчоқли ҳолда пролиферацияланиш билан белгиланадиган гиперпластик жараён ҳисобланади [4,5,6]. Ташки кўриниши бўйича уретра полиплари ташки чиқарув тешигининг орқа лаби соҳасида ўсмасимон тузилма кўринишида, ўлчамлари 2 ммдан 1-2 смгача бўлиб, кўпинча ўсиб чиққан жойи кенг оёқчадан иборат бўлади, юзаси силлиқ, баъзида қон қуйилишлар ва эрозиялар аниқланади. Полип таркибидаги тўқимаси тузилиши бўйича 2 хилда учрайди: фиброзли ва аденоматоз. Фиброзли полип кўпинча яққа ҳолда инфекция ва яллиғланишли жараёнлар асосида пайдо бўлган бўлади. Фиброматозли полипнинг ўсиши секин, атроф тўқималарга камдан-кам ҳолларда тарқалади. Айрим ҳолларда таркибида эластик толалар кўп ўсган, қон томирлар пролиферацияланиб, ангиоматоз тўқима пайдо қилган бўлиши мумкин [2,4,6]. Бу турдаги полипни уретра карункули дейилади. Уретра карункулини 1926 йили биринчи бўлиб Ферье томонидан малина катталигича бўлган қон томирларга бой, аксарият ҳолларда уретра орқа деворида жойлашадиган, ташки кўринишидан кучли даражада гиперемияланган, унга тегилса қон оқадиган тузилма сифатида аниқланган. Қолаверса, уретра полипининг фиброматозли турида нима сабаблардан стромасида кўпол толалари бириктирувчи тўқиманинг ўсиб кўпайиши устун туриши, қон томирлари нисбатан кам ривожланиши ва оралиқ моддасида миксаматоз жараёнли ўзгаришларнинг ривожланиши, энг асосийси бу турдаги полип нисбатан кўп учраши ҳозиргача тўлиқ ўрганилмаган.

Тадқиқот мақсади: Аёллар уретраси фиброзли полипининг патоморфологияси ўрганиш.

Материал ва усуллар

Материал сифатида Андижон давлат тиббиёт институти клиникасининг урология бўлимида 2018-2021 йилларда даволанишдан ўтган касаллардан олинган 32 та биопсия материали гистологик жиҳатдан ўрганилди. Биопсия бўлакчалари 48 соат давомида формалиннинг 10% эритмасида қоритилгандан кейин, концентрацияси ошиб борган спиртларда сувсизлантирилди ва парафин қуйилиб, ғишчалар тайёрланди. Парафинли ғишчалардан 4-5 мкмли гистологик кесмалар тайёрланиб, гематокилин-эозин, ван-Гизон бўёқларида бўялди ва ёруғлик микроскоп остида кўрилди, келакли соҳалари расмга туширилди.





Натижа ва таҳлиллар

Полип, бу ўсмасимон жараён бўлиб, деярлик барча эпителий билан қопланган аъзо ва тўқималарда ривожланиб, макроскопик жиҳатдан тугунча кўринишидаги тузилма кўринишида намоён бўлади. Бизнинг материалимизда кузатув ва текширишда бўлган аёлларда аксарият ҳолларда полип уретранинг орқа деворида, қонга яқин жойлашганлиги кузатилди. Уретранинг фиброзли полипини гистологик жиҳатдан ўрганиш шуни кўрсатдики, улар тузилиши ва таркиби жиҳатдан бир-бирига ўхшасада, фиброз тўқиманинг таркиби, ундаги хужайра ва толали тузилмаларнинг кўп-камлиги ва жойланиши бўйича бир-биридан фарқ қилиши аниқланди. Полип юзасини қоплаган эпителий гистотопографияси жиҳатдан ўзгарувчан кўп қаватли эпителийдан иборатлиги аниқланади, лекин айрим жойларида кўп қаватли мугузланмайдиган ясси эпителийга метаплазияланганлиги, базал қават хужайраларининг ҳар хил даражада акантозли фиброз тўқимага ўсиб кирган тугунлари мавжудлиги кузатилади. Ясси эпителийга метаплазияланган соҳаларида эпителий хужайралари зич жойлашганлиги, кўриниши бўйича аксарияти гиперхромли эканлиги аниқланади. Кўп қаватли ўзгарувчан эпителий кўринишини сақланган соҳаларда эпителий хужайралари думалоқ ва кубсимон тузилишга эга бўлиб, бир бирига нисбатан қатор-қатор жойланишини сақлаганлиги аниқланади.

Аслида ҳар қандай полип ўсимталарида ўсиш жараёни шиллиқ парданинг бириктирувчи тўқимали хусусий пластинкасида бошланади ва бунга сабаб бириктирувчи тўқима таркибида сурункали яллиғланиш, хужайра ва тўқима тузилмаларининг ортиқча гиперплазияланиш жараёни оқибатида ортиқча микдордаги тўқима пайдо бўлишидан шиллиқ парда юзасига бўртиб чиқади. Биз ушбу тадқиқотимизда ўрганаётган полипларнинг фиброматозли стромаси ҳар бир полипда ўзига хос тузилишга эга бўлди. Барчасига хос бўлган гистотопографик ҳолат шундаки, полип стромасида фиброматоз кўринишида ўсиб кўпайган дағал таркибли бириктирувчи тўқима микдорининг устунлиги аниқланади. Қопловчи эпителийнинг бевосита ости майдонида бириктирувчи тўқима таркибида толали тузилмалар кўплиги ва уларнинг эпителийга нисбатан параллел жойлашганлиги, таркибида қон томирлар камлиги билан ажралиб турувчи фиброматоз тўқимадан иборатлиги аниқланади (1-расм). Тўқиманинг чуқурроқ соҳаларида бириктирувчи тўқимадаги хужайра ва толали тузилмалар оралик моддасида шиш мавжудлигидан сийрак жойлашганлиги ва уларнинг таркибида қон томирлар жойлашганлиги аниқланади. Қон томирларининг аксарияти девори қалин артериолалардан иборатлиги, атрофида яллиғланиш инфилтрати мавжудлиги аниқланади.

Айрим ҳолларда уретранинг фиброзли полипи стромаси зич ва дағаллашган кўпол бириктирувчи тўқимадан иборатлиги аниқланади. Бунда, қопловчи эпителий айрим соҳаларида десквомацияланиб, кўчиб тушганлиги, унинг остидаги базал мембрана ва хусусий бириктирувчи тўқимаси очилиб қолганлиги кузатилади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бевосита қопловчи эпителий остидаги бириктирувчи тўқима, бошқа чуқур соҳаларига нисбатан зич, толали тузилмалари бир-бири билан бирикиб кетган бир бутун гомогенлашган дағал толали, хужайралари кам сонли фиброз тўқимага айланганлиги кузатилади. Бу соҳаларда қон томирлар деярлик йўқ. Бу турдаги полип стромасининг чуқур соҳаларидаги бириктирувчи тўқима таркибида толали тузилмалар микдори кўпайганлиги ва уларнинг бетартиб жойлашганлиги аниқланади (2-расм). Қон томирлари ҳам жуда кам сонли, майда девори қалин

артериолалардан иборатлиги кузатилади. Полипнинг стромасининг фиброматозли тўқимаси таркибидаги толали тузилмаларнинг гистотопографиясини ўрганиш учун махсус гистокимёвий бўёқ пикрофуксин билан ван-Гизон усулида бўяб кўрдик. Бунда, полип стромасидаги фиброматоз тўқимадаги коллаген толалар тўқ қизил-бинафша рангга, алоҳида-алоҳида ва гомогенлашган толалар оч қизил, айрим соҳаларида жигар рангли доначалар кўринишида бўялганлиги кузатилади. Ушбу микрорасмда кўринганидек, коллаген толалар тутамлари титилган, эгри-бугри кўринишида жойлашганлиги (3-расм), айрим жойларида парчаланган ва гомогенлашганлиги, дағаллашган оксилли доначалар пайдо қилганлиги аниқланади.

	
<p>1-расм. 42 ёшли аёл уретраси фиброматоз полипи, қопловчи эпителий метаплазия ҳолатда, фиброзли стромасида айрим соҳалари зич, бошқа жойлари сийрак. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x40.</p>	<p>2-расм. 52 ёшли аёл уретра фиброматоз полипи, қопловчи эпителий десквамацияланган, стромаси зич ва бетартиб жойлашган фиброматоз тўқимадан иборат. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x40.</p>
	
<p>3-расм. 52 ёшли аёл уретра фиброматоз полипи, коллаген толаларнинг эгри-бугри жойлашганлиги, титилиб, гомогенлашгани кўрилади. Бўёқ: ван-Гизон. Кат: 10x40.</p>	<p>4-расм. 47 ёшли аёл уретраси фиброзли полипи, стромасида яллиғланиш белгилари мавжудлиги, қопловчи эпителий дистрофия ва деструкцияга учраганлиги кузатилади. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x40</p>

Уретра полипининг этиологиясини инобатга олиб таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, полип пайдо бўлиши сабаблари ва патогенезини эътиборга оладиган бўлсак, полип тўқимасининг ривожланиши яллиғланиш, дистрофик ва дисрегенератив жараёнлар билан бирга ривожланиши оқибатида полипнинг асоси бўлган стромасида ушбу жараёнларнинг ривожланиши аниқланади. Аксарият ҳолларда яллиғланиш жараёни мавжудлиги ва унинг сурункали, иммунопатологик формалари кўп учраши кузатилади. Ушбу микрорасмда кўрганимиздек фиброматоз полип стромасида, айнан қопловчи эпителий ости базал мембранаси ва хусусий пластинка қавати таркибида диффуз ҳолда лимфоид инфильтрация мавжудлиги аниқланади (4-расм). Натижада ушбу соҳа тўқимаси ҳам шишга учраб сийраклашганлиги, бириктирувчи тўқима толалари титилиб, бетартиб жойлашганлиги, бу соҳа тўқима таркибида яллиғланишга учраган кон томирлар пайдо бўлганлиги аниқланади. Ушбу сурункали яллиғланиш жараёни оқибатида

копловчи эпителий дистрофик ва деструктив ўзгаришларга учраганлиги кузатилади. Бундай яллиғланишли жараён ривожланган полипнинг стромасининг чуқур соҳаларида бириктирувчи тўқима таркибида ҳам яллиғланиш белгилари мавжудлиги, тўқима тузилмалари кучли шиш оқибатида титилиб, кучли шишга учраганлиги аниқланади.

Хулоса

Уретранинг фиброзли полипи гистологик жиҳатдан ўрганилганда тузилиши ва таркиби жиҳатдан бир-бирига ўхшасада, фиброз тўқиманинг таркиби, ундаги хужайра ва толали тузилмаларнинг кўп-камлиги ва жойланиши бўйича бир-биридан фарқ қилиши аниқланди.

Фиброзли полипда копловчи эпителийнинг бевосита ости майдонида бириктирувчи тўқима таркибида толали тузилмалар кўплиги, қон томирларнинг камлиги билан ажралиб туриши, стромасининг чуқур соҳаларида бириктирувчи тўқима хужайра ва толали тузилмалар оралик моддасида шиш мавжудлигидан сийрак жойлашганлиги ва уларнинг таркибида қон томирлар жойлашганлиги аниқланади.

Уретра полипининг этиологиясини инобатга олиб таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, полип пайдо бўлиши сабаблари ва патогенезини эътиборга олинса, полип тўқимасининг ривожланиши яллиғланиш, дистрофик ва дисрегенератив жараёнлар билан бирга ривожланиши оқибатида полипнинг асоси бўлган стромасида ушбу жараёнларга хос ўзгаришлар сақланиб қолиши аниқланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Гомберг М.А., Соловьев А.М. Лечение уреоплазменной инфекции урогенитального тракта //Лечащий врач. - 2004. - № 10. - С. 39-42.
2. Коваленко В.Л., Куренков Е.Л., Кокшаров В.Н. Патоморфология и морфогенез приобретенных эпителиальных полиповидных образований уретры. - Челябинск, 2000. - 406 с.
3. Неймарк А.И., Бакарев М.А., Лушникова Е.Л., Пичигина А.К., Яковлев А.В. Клинико-морфологические особенности полипов уретры у женщин на фоне урогенитальной инфекции //Фундаментальные исследования. – 2015. – № 1-6. – С. 1194-1198;
4. Aguilar D., Skrabanek L. Beyond tissue Info: functional prediction using tissue expression profile similarity searches //Nucleic Acids Res. - 2008. - Vol. 36, N 11.-P. 3728-3737.
5. Aita G.A., Begliomini H., Mattos D. Fibroepithelial polyp of the urethra Int. Braz. //J. Urol.- 2005.-Vol. 31 .-P. 155-156.
6. Chojnowska S., Kepka A., Waszkiewicz N. et al. Etiopathogenesis of nasal polyps //Prog. Health Sei. - 2013. - Vol 3, N. 2. - P. 151 – 159.

Қабул қилинган сана 20.12.2022